



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кувасой шаҳар халқ таълими
бўлими мудир:

Жадигаров
К. Жадигаров

**БАЖАРУВЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАБ ОЛИШ УЧУН
ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ**

Кувасой - 2022 й

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: **Фарғона вилояти Қувасой шаҳри 22-умумий ўрта таълим мактабида жорий таъмирлаш ишлари учун**

1.2. Танловнинг юқори қиймати ҚҚС билан 235 200 000 сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи ва ғолиб бўлган қатнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошланади.

1.5. Буюртмачи Пудратчига тегишли манзилли дастурга асосан маблағ ажратилганидан сўнг шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс тўловини ўтказиб беради.

1.6. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилиб, қабул қилингандан сўнг берилган авансни пропорционал равишда ушлаб қолган ҳолда, бажарилган ишлар учун вилоят Молия бошқармаси томонидан объектнинг вилоят Ғазначилик бошқармасидаги махсус ҳисоб рақамига маблағ ажратилганидан сўнг объект умумий шартномавий қийматининг 70 фоизи доирасида амалга оширилади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Қувасой шаҳар халқ таълими бўлими** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Қувасой шаҳар ХТБ га карашли 22-мактаб

Эл.адрес quvasoyxtb@mail.ru

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов “Буюртмачи” томонидан тузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;
- ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- Лицензия, гувоҳнома;
- Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (ташкилот ишчи-ҳодимлари);
- Танлов иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари, бухгалтерия баланс ҳужжатлари; салоҳияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида маълумот;
- Танлов иштирокчисининг солиқ тўловларидан бўлган қарздорлик маълумоти;
- Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 2 йиллик иш тажрибаси;
- Оргтехника жиҳозлари ва дастурлар рўйхати;
- Кафолат хати (буюртмачига ишларни таклиф қиймати, топшириш муддатини кўрсатиб тасдиқлаган ҳолда).

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди: қайта тапшил этилиш (ажратилиш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов ҳужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисмда, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талаблар асосида, бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби, якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир талаблар бўйича ўз таклифларини яхлит ҳолда PDF форматда, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда электрон равишда платформага жойлаштириши лозим.

4.3. Қўйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қўйидаги таклифлар:

- Техник ҳужжатлар рўйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
- Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилиги жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади



“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Кувасой шаҳар Халқ таълими
булими мудирини
К.Жадигаров
2022 йил

Кувасой шаҳар Халқ таълимига қарашли 22-мактаб биносини жорий таъмирлаш жорий таъмирлаш ишлари.

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№ Т/р	Асосий маълумотлар ва талаблар руйхати	Асосий маълумотлар ва талабларнинг мазмуни
1	2	3
1	Буюртмачи	Кувасой шаҳар Халқ таълими булими
2	Лойихачи	Танлов асосида
3	Лойиха амалга оширилиши учун асос	Халқ Депутатлари Фаргона шаҳар Кенгашининг №ВИ-44-60-л 1-169-К/21 30.12.2021й Карори
4	Таъмир тури	Кувасой шаҳар Халқ таълими булимига қарашли 22-мактаб биносини жорий таъмирлаш
5	Объектнинг жойлашган жойи	Кувасой шаҳар Бўстон МФЙ Бўстонлик кўчаси 52-уй
6	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет
7	Ёшон беришдан мақсад	Курувчи ташкилотчи аниқлаш
8	Курилиш ишларини амалга ошириш муддати	2022 йил Йиллик
9	Лойиханинг алоҳида шартлари	Ўзбекистон Республикаси Қонунида курсатилган тартибга асосан
10	Ногиронлар ва чекланган имкониятларга эга аҳолининг яшаш шароитларини таъминлашга қўйиладиган талаблар	Амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ.
11	Курилиш мураккаблиги тоифаси	Объектнинг мураккаблик даражаси- III
12	Объектни молиялаштириш тартиби	Бунақ-30%; жорий молиялаштириш — бажарилган ишларнинг ҳдждидан 70% мивдориди молиялаштирилади
13	Танлов энг юқори қиймати (ККС) билан	235 200 000 сум
14	Иш бажарилгандан кейин буюртмачига тақдим этиладиган ҳужжат турлари	Форма №3 ва Форма №2 қабул топширув далолатномаси
15		1) Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги тугрисида солиқдан маълумотнома, баланс ва молиявий натижалари тугрисидаги ҳисоботи, туловга қодирлик ёки қоплаш коэффициентини 1,25 ва ундан кўп булганлиги тугрисида аудит ҳулосаси

	<p>Такдим этиладиган хужжатлар</p>	<p>ташкilot томонидан коррупция кўринишларига йўл кўймаслик бўйича ариза такдим килиниши керак</p> <p>2) Талабгор ташкilotга хизмат кўрсатувчи банк томонидан картотека К-2 да қарздорлиги мавжуд эмаслиги ва банкдан элонга куйилган объект суммасининг 50% миқдорида маблаг и мавжудлиги туғрисидаги маълумотнома такдим килиниши керак (танлов элон қилинган кундан кейин олиниши шарт) , корхонанинг банкротлик ҳолатида эмаслиги туғрисида маълумотнома тасдиқланган варианты</p> <p>3 Иш стажига эга дипломга эга инженер-техник ходимларни мавжудлиги (mehnat uz, меҳнат дафтарчаси, дипломи), лойихани бажариш учун доимий равишда ишловчи 10 тадан кам булмаган ишчилар мавжудлиги (mehnat uz, меҳнат дафтарчаси, дипломи), лойихани бажариш учун зарур булган, 3 тадан кам булмаган машина ва механизмларнинг мавжудлиги (кран, экскаватор, самасвал,) лойихани бажариш учун зарур булган, 20 тадан кам булмаган кичик механизмларнинг мавжудлиги балгарка, перфаратор, дрел, сварочный аппарат)</p> <p>4) Пудратчи корхона бажариладиган ишларга смета лойихаси асосида тайёрланган ва тасдиқланган объектнинг жамланма жадвали (сметадан ташқари қушимча таклифлар инобатга олинад), ишларни тугатиш муддати ҳамда сифатли бажарилиши туғрисида кафолат хати , танловда иштирок этувчилар таъмирлаш ишлари қузда тутилган маъмурий бино билан шахсан танишиб чиқишлари ва муҳандис имзоси ва мудир имзоси ва муҳри билан тасдиқланган хужжатлар илова килиниши ҳамда мактаб билан танишганлик фотолавҳаси факат бир дона жойлаштирилиши шарт</p> <p>5) Ташкilotни охириги икки уч йил мобайнида бажарган ишлари туғрисида тузилган шартномалари (хар бир йил учун бир донадан энг нархи баланд булганини) такдим килиниши шарт, ташкilotни охириги уч йил мобайнида бажарган ишлари туғрисида тузилган бажарилган ишлар Ф2 маълумотлари (хар бир йил учун бир донадан энг нархи баланд булганини) такдим килиниши шарт, ташкilotни охириги уч йил мобайнида бажарган ишлари туғрисида тузилган бажарилган ишлар Ф3 маълумотлари (хар бир йил учун бир донадан энг нархи баланд булганини) такдим килиниши шарт</p> <p>6) Курилиш ташкilotларининг махсус рейтинг даражага эга эканлиги бўйича тегишли маълумотлар</p>
16	Таклифларни такдим қилиш муддати	5-иш кунидан ками булмаган муддатда

